



Faint, illegible text, possibly bleed-through from the reverse side of the page.



ОТАШ ВА ГУЛ  
(ДОСТОН)

---

*Бу дostonим жонажон республикам ва  
Ўзбекистон Қомпартиясининг 50 йилли-  
гига тўёна*

I

Иккаламиз жим қолдик бирпас,  
Иккаламиз толдик хаёлга.  
Элитгандек баҳорий нафас  
Варрак келиб ҳаттоки толга  
Илингани у на сезарди,  
Хаёлида недир кезарди.

II

Учрашганда икки қадрдон  
Қунглидаги андуҳу алам,  
Севинчларин кўрмаса баҳам  
Не гашти бор?

Бизлар ҳам қачон

Учрашмайлик, одат буйича  
Сўрашгандан кейин ҳол-аҳвол,  
Бу оламда не гап, деб нича —  
Ўтган-кетган, ёшлики дарҳол  
Эслашардик, ёдга олардик,  
Қушдек егил бўлиб қолардик.

III

Бугун эса, дунё тақдири,  
Муъжизакор самолар сири,  
Бу замоннинг ҳозир кетиши,  
Одамларнинг севинч, ташвиши...

Хуллас, оддий киши ҳақида,  
Бу дустимнинг иши ҳақида  
Суҳбатимиз қизиб кетди-ю,  
Не учундир бирданига у  
Жимиб қолди. Берганим савол  
Борлигини қамраб олдим,  
Вужудига ғулу солдим,  
Уйлагандек ненидир шу тоб,  
Саволимга бермасди жавоб.

#### IV

Иккаламиз бир маҳаллада,  
Бир кўчада туғилиб ўсдик.  
Бирга бўлдик ҳамма паллада,  
Ажрашмадик тирногу пўстдек.  
Хотирамда — баҳор кечаси  
Иккаламиз учирган қуроқ.  
Ариқдаги бутана сувга  
Барралардан қилиб оқизоқ,  
Юрганларин эсладим у,  
Элитдими бир ширин туйғу?!

#### V

Менга феъли ёшлиқдан аён,  
Уйинда ҳам билмасди алдов.  
Агар биров сўзласа ёлғон  
Қилар эди алғову далғов.  
Оқшомлари эшик олдида  
Йиғилишиб сўзлашсак эртақ,  
На амалдор, подшо бўлишга  
Унда ҳавас сезмасдим жиндақ.  
Бирдан уриб тол отга қамчин,  
Кетар эди ёзиб қулочин.

## VI

Ешлигида бундай бир феъл  
Унда қайдаи булгани пайдо  
Билмасам ҳам,

Ўтиб қанча йил

Шу гурурни сезардим аммо.  
Ҳозир оддий ишчи булса ҳам,  
Ўзига бир ишонч ҳукмрон.  
У қаерга қўймасин қадам  
Хушомадни билмайди бир он.  
Ё бу гурур ўз виждонининг  
Поклигига ишончиданми?  
Меҳнат берган шараф-шонининг  
Ё бахш этган қувончиданми?  
Ёки Нурмат темирчи айтган  
Қўшиқ сингиб унинг қонига,  
Қонигамас, бутун жонига,  
Балки шундай бир ҳис уйғотган?  
У ким эди? Эслаб шу дафъа  
Куз ўигимдан ўтказдим бир-бир.

## VII

Қадимларда бизнинг маҳалла  
Олмазор деб аталар эди.  
Бир томони Дегрез, бир ёғи  
Ўқчигача тақалар эди.  
Ўтар эди маҳалламиздан  
Асп жаллоблар, касби — карвоилар.  
Савлат билаи отга минганда  
От белини буккаи полвоилар.

Ёпқичига тақиб кўзмуичоқ,  
Саманини йўртдирганлар ҳам,  
Оти каби озғин ва қашшоқ

Аравада ўтирганлар ҳам,  
Лиқ тулатиб гилам хуржунин  
Утаётган хоҳи бойвачча,  
Хоҳ йўловчи, у ким бўлмасин  
Тақачининг олдида пича  
Тухтар эди.

Отлар кишнаши,  
Асовларнинг оёғин гоҳо  
Одамларнинг зурга ушлаши  
Бўлар эди бизга томошо.

### VIII

Ҳамма тарқаб, жимиб қоларди  
Темирчининг дўкони гоҳо.  
Дўстим кетмай қулоқ соларди  
Унинг айтган куйига аммо.

### ТЕМИРЧИ ҚУШИҒИ

Босқонни бос, бедовнинг  
Ўт сачратсин тақаси.  
Отлар қувганда ёвни  
Ушлаб қолсин ёқасин.

Босқонни бос, то темир  
Асл кетмон бўлгунча.  
Болғаии аямай ур,  
Уии деҳқон кўргунча.

Босқонни бос, бос, ўғлим,  
Деҳқонга бўлсин омок.  
Ҳосил бўлмаса тўкин,  
Темирчи ҳам қолар оч.

Темирчининг кўксини  
Ўт куйдирмас ҳеч қачон.

Сачраганда учқунни  
Қайтарар қалқоисимон.

Темирчи заргар эмас,  
Унинг қадри темирча.  
Аммо унинг ғурурин  
Буколмас унча-муича.

Оловларда хас бўлмас,  
Олов — қуёш нарчаси.  
Темирчининг қалби ҳам  
Уша утнинг лахчаси.  
Босқонни бос, бос, ўғлим!

## IX

Ёз чоғлари бу куй қулоққа  
Ёқар эди айтгандек алла.  
Чунки баҳор боғдорлар боққа  
Кучиб кетиб, ёзда маҳалла  
Сув сепгандек жимиб қоларди,  
Болалар ҳам камиб қоларди.  
Шундай чоқда унинг болғаси  
Теваракка киргизарди жон,  
Бизлар унинг сеҳрли сасин  
Бир чеккада қилмай тупалон  
Тинглар эдик.

Баркаш кўкраги,  
Ёдимда бор меҳрибон кузи.  
Араванинг ҳатто гунчагин  
Кутарарди елкада узи.  
Чўнг қомати, қуюқ қошлари  
Туюлса ҳам бизга девсимон,  
Маҳалланинг ҳамма ёшлари,  
Болаларга эди меҳрибон.  
Эркалаиб ошиғимизга  
Куйдирардик баъзида қулом.



Қўлом каби қулоғимизга  
Қушиғни ҳам эттириб давом,  
Қуяр эди:

Ишчи бу заргар эмас,  
Унииг қадри темирча.  
Аммо унииг ғурурин  
Буколмас унча-мунча!

Недан эди унинг ғурури,  
Мағрурланган қай давлатига?  
Ёки тақа қоққанидаими  
Бойваччанинг гижинг отига?  
У ҳеч кимга қаддин букмасди,  
Чўчимасди ҳеч қандай зотдан.  
Дўконига кимлар келмасди,  
Ким келмасин тушарди отдан.  
Нимадайди ундаги бу сир,  
У чоғлари етмасди фаҳмим.  
Нимасидир қиларди асир,  
Несигадир келарди раҳмим.

.....  
Хотирамда унинг ҳовлиси,  
Сув бўйида усган бир туп тут.  
Бир кафт ерда райҳоннинг иси  
Гуркирарди. Узга қўру қут  
Кўрнмасди. Қуроқ кўрпача,  
Намат узра қуроқ дастурхон.  
Бу ҳовлидан гуё кечгача  
Аримасди қуёш ҳам бир он.  
Остонадан қачон суқма бош  
Ҳамма нарса ярқирар эди.  
Назаримда, гуёки қуёш  
Шу ҳовлида барқ урар эди.  
Унинг фаҳри шу уйдаими,  
Ёки айтган куйидами?..



## X

Дўстим билан унинг ҳаётин  
 Иккаламиз эсладик, бироқ.  
 Аммо унга дўстим шуҳратин  
 Таққос қилиб бўлмасди мутлоқ.  
 Дўстим номин билмаганлар кам,  
 Эл ичида қозонган шуҳрат.  
 Балки шундай шону шуҳрат ҳам  
 Ишчиликка қилганми даъват!  
 Бир ёғи чин, бир ёғи ҳазил  
 Сузларимга кулиб қўйди-ю,  
 Дўст бўлганим учун беҳижил  
 Ўз қалбини очиб солди у.

## XI

Мен ишчиماи, оддий ишчига  
 Ҳурматинг-чуи ташаккур,  
бироқ,  
 Оддий ишчи — у кнмлигига  
 Айтмасам ҳам мендан яхшироқ  
 Тушунасан:  
Темирчи заргар эмас,  
Унинг қадри темирча...  
 На олтин бор унда, на амал,  
 Шу темирча қадри бор инсон.  
 Бир кун замон тақдирини ҳал  
 Қилади, деб ким ўйлагаиди,  
 Унинг қадрин ким сўйлаганди?!  
 Аммо унинг бир бисоти бор,  
 Бу — ҳар қандайин мақтовлару зар,  
 Амаллардан кўра улуғвор.  
 У нелигин истасанг билмоқ,

Дўстим, апрель қуёшига боқ.

У қуёшдан нени изларди,  
Менга қандай жавоб кўзларди?

## XII

Мен қуёшга боқдим у шу он,  
Ажиб бир ҳис уйғотди осмон:

Болаликда ҳайрон қолардик  
Кўкда юлдуз учса ногаҳон.  
Муъжизадек туюлар эди  
Сайёралар дидри — осмон.  
Бунда юлдуз жимирлашлари,  
Руҳ илғамас само сирлари  
Бизни судраб бепоёнликка  
Ҳиссимизни қиларди асир,  
Гоҳ кўнгилга солиб таҳлика  
Тиз чўктирган у самовий сир.  
Булутлардан чаққанда чақии,  
Ҳуркиб қочган қадимий одам  
Йиллар ўтиб, шу ўт парчасин  
Гуё сақлаб темирларни ҳам  
Эритолди. Уша авлод ким?  
Шунга ҳамкасб эмасми, дўстим!

Ибтидоий инсон ақлининг  
Такомили бўлган шу темир,  
Замон ўтиб, жаҳон халқининг  
Қуч тимсоли бўлди шу темир.  
Чақмоқ чақса, булут қаъридан  
Кўкдан ерга тушарди яшин.  
Энди инсон фазо бағрига  
Чиқармоқда ернинг йўлдошин.  
Қимда унинг қўлин изи бор?  
Олимларнинг юксак фаҳмига  
Меҳнатидан қўйган ийдевор

Ишчимасми? Шунн уйлардим,  
Бирдан булди фикримни дустим.

### XIII

Қуёш нима? Жаҳонларга зеб  
Бағишлаши ҳаммага аён.  
Шунинг учун қайси қуёш деб  
Сўрамаган ҳеч ким, ҳеч қачон.  
Шон-шуҳратда шу қуёшсимон  
Яралганми оламда бир зот!  
Таниганми бутун бир жаҳон,  
Тилга номин олганинг заҳот?  
Шу саволни менга берди-ю,  
Менга боқди нечундир мағрур.  
Менинг ҳайрон бўлганимни у  
Ҳис этдими, жилмайди масрур.  
Мен ишчиман, хаёл етмаган  
Фалсафамдан бўлмагин ҳайрон.  
Бу дунёдан кимлар угмаган,  
Не-не зотлар кечгани аён.  
Бири олим, бири жаҳонгир,  
Бири қилган худолик даъво.  
Улар қанча бўлмасин машҳур  
Номи тилга олинса, аммо,  
У ким бўлган, қаердан, қачон  
Утганлигин суралган. Бироқ,  
Ленин номи айтилган замон  
У қайси деб, ҳеч кимса, ҳеч чоқ  
Сўрамаган, бермаган савол.  
Фазилати қуёшдек аён!

Қуёш берса бу оламга нур,  
Ленин берди одамга ғурур.  
Қуёш фақат тунни ёритди,

Ленин халқлар дардин аритди.  
Шоҳ-гадога нур сочса қуёш,  
Ленин бўлди ғарибга йўлдош.

Қуёш каби шу улуг Ленин  
Бутун давр ва бутун замон,  
Инқилобнинг ҳатто тақдирин  
Асрларча юпун бир инсон —  
Ишчиларга ишонган экан,  
Бу ишончдан бахт борми улкан!

#### XIV

Унинг сўзин тинглаганим он  
Рупарамда оддий ишчимас,  
Қудратига ҳеч ким тенг келмас  
Бир куч гўё бўлди намоён.  
Бу сўзни тинглаганим он  
Жаҳондаги эзилган халқнинг,  
Жафо чеккан қадимий шарқнинг  
Қиёфаси кўринди аён.

#### XV

Қадимларда алпомишларга  
Олтин қилич куйган ҳам ишчи.  
Боболарнинг сағанасига  
Ой шаклини уйган ҳам ишчи.  
Ул аждодлар бедовда чопиб  
Ев устига қилганда юриш,  
Сафарлардан ғалаба топиб  
Тантанавор битганда уруш,  
Қирққулоқли қозои осилиб  
Элу юртга берилганда тўй,  
Карнайлардан наъра тортилиб,  
Таралганда бир хушхабар куй,

Шу қарнаю, дошқозон борми,  
Қабрдаги ярқироқ ойми,  
Кўксин тутиб дўзах ўтига.  
Ҳаммасига шакл берган ким?  
Ёв келганда унинг юртига,  
Ғалабага кафил бўлган ким?  
Булутлари уриб туширган  
Мерганларнинг камон ўқи ҳам,  
Дами қили қирқ ёрадиган  
Чуст пичоғи, унинг кўрки ҳам  
Билган қадим оловкормасми?!  
Ўтда ёнамас шу девкормасми?  
Минг йил кўксин оловга тутиб,  
Мерганларга шон келтирди у,  
Жангда дўстга жои келтирди у!  
Лекин шунча замоилар ўтиб  
Нима бўлди ишчининг қадри?  
Ленинмасми қадрин кўтарган!  
Унинг ёйдек қадрин кўтарган!

#### XVI

Дўстим билан қалбимиз гўё  
Шу фурсатда тепарди бирдек.  
Юзларида ўйнаб бир жило  
Сўз бошлади қадрин тутиб тик:  
Мен ҳам ўша ишчи авлоди,  
Ҳа, менда ҳам ўша руҳ ҳоким.  
Боболарининг метидек қадрин,  
Бир умрга билмовчи ўлим.  
Ўтдек сўнамас жоин ҳам менда,  
Эътиқоди, шоян ҳам менда.  
Улар берди бизга эркилик,  
Қорачуғдек сақлагувчи мен.  
Истадилар ҳаммага тегилик,  
Истақларин оқлагувчи мен.

У қузинга тикилди мағрур,  
Жўш урарди унда бир туйғу.  
Боболарга минг-минг ташаккур,  
Инқилобни улар қилди-ю,  
Аммо биз-чи!.. Деди-ю шу тоб  
Менга боқди кутгандек жавоб.

#### XVII

Ҳайрон қилди унинг бу сўзи,  
Чувалашиб кетди ўйларим.  
Бу саволни берганда ўзи  
Нималарни ўйларди шу зум?  
Ё бу билан қилган ишларин,  
Буюклигин айтмоқчимми у?  
Ёки меини синамоқ учун  
Илмоқ ташлаб кўришмиди бу?

#### XVIII

У умрида ёлғон тавозе,  
Хушомадни билмади сира.  
Нимадандир бўлмаса рози,  
Кимдир қилса кўнглини хира,  
У ҳеч кимдан билмасдан ҳадик,  
Тортинмасдан сўзларди рўй-рост.  
Кўнглидаги борин айтиб тик  
Гиғилардан қиларди халос.  
У меҳмонга ёзса дастурхон  
Ё олдига қўйса бир неъмат,  
Борлигини кўз-кўз қилишу  
Кўрманага қўймасди ҳеч вақт.  
Бор-йўқлиги, оч-туқлиги ҳам  
Булар эди унинг сиртида.  
Кўнглидаги шодлиғи алам  
Акс этарди унинг бетида.  
Севинчига қувонмам қанча,  
Ишонардим дардига шунча.

Қалби шуидай поклигиданми  
Юзи нурга тўлиб турарди.  
Доим бўлиб дўстлар ҳамдами,  
Очиқ чехра кулиб турарди.

### Х I X

Бугун менга бергани савол  
Хаёлимни банд этди дархол.

Ўйларкаиман ишчи қудратин,  
Унинг қилган ишларин бир он,  
Қуз унингда темир ва метин  
Лов-лов ёниб эрик утсимон  
Даре бўлиб оқиб келарди,  
Чақмоқдек нур чақиб келарди.  
Ким тутарди бунга қўксини,  
Ким ҳам берар бу утга бардош!  
Аламига ким чидар унинг  
Сачраганда заррача оташ!  
Бу не тошқин, бу қандақа сир,  
Бу қай замон, бу қандай аср!  
Шу ўт ичра қоядек бўлиб,  
Ёниш билмас соядек бўлиб,  
Юзларидан шар-шар тер қуйиб  
Оташ ичра дўстим турарди.  
Нур ошиғи парвона бўлиб  
Ўзини унга тикка урарди.  
Не қудратки, шу замон ёху!  
На бир даҳшат, билмасдан қўрқув  
Лов-лов ёниб турган темирни,  
Ўзган каби қўпчик хамирни  
Зувалалаб отар экаи у.  
Ер-осмонни ларзага солиб,  
Уфқ бағри элангалашиб,  
Теваракка солиб гулдурас,

Гўё само кемаси бўлиб,  
Унинг ишини меваси бўлиб  
У фазога қиларди парвоз.  
Назаримда, унинг қўлидан  
Чиқайтган ҳар эрик пулат,  
Гўё бойлаб ўзига қанот  
Кема бўлиб сувга тушарди,  
Ракет бўлиб кўкка учарди.

У уммонлар, саҳролар ошиб  
Бир зумдаёқ қуздан йўқолди.  
Юрагимга ўтдек туташиб  
Дўстим берган саволи қолди.

### Х X

Ўйларканман унинг саволин,  
Саҳроларга кетди хаёлим:  
Қумликларда беҳол, бемажол  
Туя чалган мунгли қўнғироқ,  
Оч бўридек увлаган шамол,  
Ўвчиллаган яқини йироқ  
Тикланди-ю, соядек гўё  
Қуз олдимдан йўқолди бирдан.

Шу ойдаёқ менинг олдимда  
Жамол очди ўзга бир дуйё.  
Бу ерда ҳам темир ва олов,  
Моторлардан чиққан гала-ғоп.  
Худди тунда чаққандек чақин  
Пайвандлардан чиқарди учқун.  
Газ қувурлар саҳро теграсин  
Ўрагани худди белбоғдек,



Ҳамма ёкда ишчи нафаси,  
Атроф яшнаб ётарди боғдек.

Ут, темирга не алоқадор,  
Ҳаммасида ишчи қули бор.

### XXI

Мен ишчининг қилган ишини  
Уйларканман, унинг қудрати  
Камраб олиб эсу ҳушимни  
Ҳаяжонга солганди бутун.  
Хаёлимда иелар кезганин  
Сезармиди дўстим ўша си?  
Мен шаънига ўқинган таҳсин,  
Мақтовларининг нашъаси пинҳон  
Ҳисларини элитганимиди?  
Юрагини банд этганимиди?

Ҳа, у менинг мақтовларимдан  
Шодлик билан кўзини ёшлаб,  
Қучоғимга ўзини ташлаб,  
Отилмади боладек бирдам.  
У завқини яширгансимон  
Сўз бошлади, ҳовликмай шу он.

### XXII

Бу дунёда яшаган одам  
Меҳнат қилмай қуи кўрмаган ҳеч.  
Неки жонивор, ҷумолиллар ҳам  
Яшаш учун донм эрта-кеч  
Қимирлаган.

Нисон қадрига  
Фақат ризқ-руз бўлганда мезон,  
Қурол олиб ишчи қулига

Ииқилоб ҳам қилмай ҳеч қачон  
Яшар эди.

Қафасда қуш ҳам  
Насибасиз қолмаган ахир.  
Қуллик даврин кечирган одам  
Очдан ўлмай неча минг аср,  
У қасрлар бино қилгану  
Подшоларга қўйилган ҳайкал.  
У кўриқлар, йўллар қургану  
Кимдир олган ўзига амал.  
Элу юртин тўйғазган деҳқон,  
Ё тер тўккан ишчи фарзанди  
Сен айтгандек шунча шараф-шон,  
Олқишларни қачон кўрганди!  
Ленин берган қадр, ҳурмати  
Ишчиларга бўлди қуш қанот.  
Тонганимиди ишчи бу бахтни  
Яралгандаи бери кoinот!

### XXIII

Кузатганча ёрқин кўзларини,  
Уйлар эдим унинг сўзларин.  
Ҳа, чиндан ҳам меҳнат қилсангу  
Одамсифат топмасанг қадр,  
Юзларингга чиқмаса қулгу,  
Яшамоқдан мақсад ҳам надир?  
Ўз қадрини сезмаса одам  
Қалбда завқи урмасди туғён,  
Бу завқ сирин менга ўша дам  
Нелигини қилгандек баёи,  
Бир ишчига қўйилган ҳайкал  
Кўз олдимга келди шу маҳал.  
.....  
Чорлагандек ўзига қуёш  
Қоматини кўтариб тикка,



Бир қўлида лаққа чўғ — оташ,  
Бир қўлда гул тутганча кўкка  
Иитиларди.

Қўлидаги гул  
Бахт ва ҳаёт белгиси эди.  
Олов аса ёнаркан гур-гур,  
Бу-чи, иорлоқ келгуси эди.  
Ҳа, ҳаётни оташсиз, гулсиз  
Тасаввур ҳам этмоқли мушкул.  
Ҳаёт бутун сўларди усиз,  
Ўсмас эди ер бағрида гул.

#### XXIV

Мен ҳайкалга тикилардим  
Шодликларим қиларди туғён.  
Назаримда, ҳайкал эмас у —  
Дўстим бўлиб кўриди шу он.  
У қўлига оташ, гул тутиб  
Само томон чузар эди қўл.  
Назаримда, фазодан ўтиб,  
Сайёралар днёрига йўл  
Топиб ҳозир учмоқчи эди,  
Юлдузларни қучмоқчи эди.

Мен буларни ўйлар эканман,  
Сезар эдим ўзимда ғурур.  
Аммо усиз ер юзини мен  
Қилган эдим бир дам тасаввур,  
Ерин етим қолдиргандек у  
Юрагимга солди бир гулу.

#### XXV

Гўё усиз ГЭСлар гувури  
Тўхтади-ю, босди қороиғу.

Сўнган каби ҳаётбахш нури  
Каналлардан оқмай қолди сув.

Ҳувиллади гўё заводлар,  
Жимжит бўлиб моторлар тийди.  
Домналарда кўр олди ўтлар,  
Гўё ҳаёт кўзи илинди.  
Пахтазорлар ҳайдалмай қолди,  
Чала қолди тиклаимай бию.  
Ердан гўё бир файз йўқолди,  
Бутун жимиб қолганди дунё.  
Кўз олдимдан утар қитъалар,  
Ўтар тоғлар, ўксиган саҳро.  
Кўз тушганда қалбни қиймалар,  
Килган каби недир илтижо.  
Жимжит қолди космодромлар,  
Ўчоқдаги олов ҳам ўчди.  
Назаримда, ернинг қудрати  
Дўстим билан қайгадир кучди.

#### XXVI

КАМазларда ишчи қудрати  
Солар эди мени ҳайратга.  
Шу заминни унинг қудрати  
Келтиргандек бир ҳаракатга.  
Дўстим билан азиз Ватанни  
Тоғу дарё, қай ерин кезмай,  
Фавворадек исфть отилган  
Каспийларинг тубида сузмай,  
Ҳамма ерда узин кўрардим,  
Қадоқ қўлин изин кўрардим.

У дўстимсиз бу замин гўё  
Ҳаракатдан тўхтади бирдам.  
Иўқ, ер тинмас, бир он тўхтаса,  
Не кун курар куррада одам!

Ер айланар, бир нафас тинса  
Кунпаякун буларди ҳаёт.  
Ер айланар, аммо ишчисиз  
Не буларди бу замин, ҳайҳот!..

### XXVII

Мен шоирман, жаҳон тақдирин,  
Халқлар қалбини ўйлайман,

биноқ

Тополмасам ишчилар қалбин  
Орзуларим ушалмас мутлоқ!  
Ваганининг камолини ҳам  
Ҳис қилмайман мутлақо усиз.  
Бу жаҳоннинг жамолини ҳам  
Очиб бўлмас ҳаракатсиз.  
Ер айланар, ҳаракатда у  
Ҳали нурин сочаркан қуёш.  
Парвоз қилмас само кемаси  
Ишчи унга бермаса оташ.  
Ҳаракатга келиб ишчилар  
Қилмас эди балки инқилоб.  
Агар унга Ленин ғояси  
Нур сочмаса бўлиб бир офтоб.

Сўзларимни тингларкан дўстим,  
Бир завқ билан куйларди шу зум:

Ишчи бу заргар эмас,  
У ҳам бир оддий одам.  
Унинг қадри ўлчанмас,  
Олтин у зар билан ҳам.

### XXVIII

Оддий одам санар у ўзин,  
Буюклик ҳам қилмайди даво.

Унинг элга қўшган ҳиссасини,  
Қани, ҳамма қилолса аммо.  
Оддий одам санар у ўзин,  
Аммо ясар самога зина.  
Ўзи тушиб ернинг қаърига  
Бахш этади элга хазина.  
Хазиналар, юрт бойлигига  
У бойликлар қўшадн, бироқ  
Ватан учун, одамлар учун  
Бойлик йўқдир унда азизроқ.  
Уша оддий одам бўлмаса,  
Бу дунёга файз кирмас зинҳор.  
Менинг оддий қаламимда ҳам,  
Шу одамнинг меҳнат ҳақи бор.  
У туфайли қоғозим узра  
Порлаб турар Ильич берган нур.  
Ишчи қилган қалами билан  
Айтмоқчиман унга ташаккур.

1973—1974